



ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯНИ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ЎРНИ

Дусбоев Р.Р.

Тошкент иқтисодиёт ва педагогика университети илмий тадқиқотчиси

Аннотация:Мақолада инвестиция ва инновацион жараёнини назарий-услубий ривожланишини ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ўрни ўрганилган. Инвестиция турлари аниқланган. Инвестицион ва инновацион ривожланиш бўйича иқтисодчи олимлар назарияси ўрганилган. Инвестиция ва инновация бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришдаги жараёнини ривожлантиришни асосий иқтисодий категориялари эканлиги асослаб берилган.

Калитли сўзлар: инвестиция, инновация, инвестиция манбалари, ялпи инвестиция, ишлаб чиқариш, инвестициявий ишлаб чиқариш, иқтисодий нормативлар, инвестиция турлари, инсонни капиталлашуви, инвестиция категорияси, инновацион категория, инвестиция ва инновация модели.

Аннотация:В статье изучена роль теоретико-методологического развития инвестиционно-инновационного процесса в организации производства. Изучена теория ученых-экономистов об инвестиционном и инновационном развитии. Обосновано, что инвестиции и инновации являются основными экономическими категориями развития производственного процесса рыночной экономики.

Ключевые слова: инвестиции, инновации, источники инвестиций, валовые инвестиции, производство, инвестиционное производство, экономические нормативы, виды инвестиций, человеческая капитализация, категория инвестиций, инновационная категория, инвестиционная и инновационная модель.

Abstract:The article examines the role of theoretical and methodological development of the investment and innovation process in the organisation of production. The theory of economists on investment and innovation development is studied. It is argued that investment and innovation are the main economic categories of the development of the production process in a market economy.

Keywords: investments, innovations, sources of investments, gross investments, production, investment production, economic standards, types of investments, human capitalisation, investment category, innovation category, investment and innovation model.

Kirish

Ривожланган жаҳон мамлакатларида мамлакатлар ўзларининг иқтисодиётларини ривожланиб боришини таъминлаш мақсадида саноат ишлаб чиқариш тармоқларини инновацион тарзда ривожлантириш ва уларни

рақобатбардошликларини ошириш мақсадида мақсадли илмий-техникавий ривожланишини таъминловчи илмий-техникавий тараққиёт дастурлари асосида зарур бўлган инвестиция маблағларини ажратиш, малакали кадрларни тайёрлаш асосида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқилган дастурлар асосида олиб бормоқдалар. Бу инновацион-технологик лойиҳалар саноат ишлаб чиқариш тармоқ корхоналарини қамраб олиши билан бирга Республикада ҳозирги замон бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзларининг ишлаб чиқараётган миллий маҳсулотларини жаҳон бозорида сифатий даражалари билан истеъмол қилиш учун зарур бўлган харид қилиб олиш нархлари билан рақобатбардош бўлиши керак.

Халқаро Ривожланиш Банки 2024 йилда кредит бериш рейтинги эмиссион заёмлар ҳисобига 53,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.¹

Хусусий ишлаб чиқариш секторини инвестициялаштириш асосий йўналишлардан бўлиб хусусий ишлаб чиқаришни капитал портфелини ташкил этишда инвестицияларни жалб қилиш асосий мақсади ички хусусий ишлаб чиқариш таъминлаш асосида асосий зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришни рақобатбардошлик даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган инвестиция ва инновацион маблағларни жалб қилишни ўсиб боришига олиб келади.

2024 йилда Халқаро Ривожланиш Банки 100 миллион АҚШ долларидан пластик чиқиндиларини қайта ишлаш инновацион икки пластикларни йиғиш ва қайта ишлаб чиқариш инновацион лойилари инвестициялаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишини мазкур бажарилишига хизмат қилади.

Инвестиция лотин сўзидан олинган бўлиб узоқ муддатларга ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришга сарф қилинган капитални ифода этади. Узоқ муддатли инвестиция маблағи маълум муддатлар ичида ишлаб чиқариш харажатлари тариқасида ишлаб чиқариш тармоқ йўналишларига қараб турли шаклда табиий ва моддий шаклларда асосий ишлаб чиқариш харажатларини ташкил этади. Инвестициялар ялпи ва қисман инвестиция маблағлари тариқасида қўлланилади.

Ялпи инвестиция маблағлари таркибий жиҳатдан амортизация узатмаларидан, банк кредитларидан ва корхона фойдалари ҳисобига инвестиция маблағларидан ташкил топади. Амортизация узатмалар асосан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган техника ва технологиялардан фойдаланиш муддатларига қараб ҳар йили улардан фойдаланганлик учун белгиланган амортизация нормативлари асосида корхона амортизация фондида тўпланаётган амортизация маблағларидан ташкил топади. Ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш учун ажратилган инвестиция маблағ соф инвестицияни ташкил

¹ Мировой банк годовой отчет 2024 г. 65, 79 стр.

этиб умумий ишлаб чиқариш учун белгиланган капитални ўсиб бориш манбаи ҳисобланади.

Ялпи инвестицион маблағ ишлаб чиқариш жараёнини ривожланишга йўналтирилган молиявий маблағ бўлиб амортизация маблағи уни бир қисми бўлиб белгиланган амортизация нормативларига асосланган ҳолда йил ичида техника ва технологиялардан фойдаланганлик учун норматив асосида амортизация фондида тўпланган молиявий маблағ ҳисобланади.

Агарда ишлаб чиқариш жараёнига йўналтирилган инвестиция маблағи ҳажми корхона амортизация фондида тўпланган амортизация маблағи билан қиймат миқдори жиҳатида тенг бўлса ишлаб чиқаришда иқтисодий ўсиш ҳолати юз бермасдан, у ўзгармаган қиймат ҳолатида бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини камайиб боришига олиб келади.

Ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш жараёнини бозор истеъмол талабини қаноатлантириш учун инвестиция маблағлари этмаса, корхона кўшимча инвестиция маблағларини топиши ва уни жалб қилиши асосида ишлаб чиқариш жараёнини бозор истеъмол талаби ва таклифи асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишлаб чиқариш жараёнини самарали ва барқарор олиб боришни бозор талаби ва таклифи асосида олиб боришга эришиши мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев фикрларига асосланган ҳолда миллий иқтисодиётни барқарор ва самарали ривожланиши миллий иқтисодиёт даражаси олинган кўшилган кўшимча қиймат мамлакат иқтисодиётини самарали ва барқарор равишда кенайтирилган такрор ишлаб чиқаришни талаб ва таклиф бозор қонуни талабларига жавоб бериши керак.

Бизга маълум ижтимоий даражада ёки ишлаб чиқариш корхоналари даражасида талаб ва таклифга жавоб берадиган ишлаб чиқариш учун зарур бўлган инвестиция капитали асосан икки иқтисодий манбага, яъни давлат даражасида, корхона даражасида жамғармага яъни ишлаб чиқаришдан олинган фойдага ва корхоналарда жамғарилган амортизация жамғармага асосланади.

Инвестициявий ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш ишлаб чиқаришдан ишлаб чиқариш корхоналарини олган фойда ва инвестиция молиявий маблағларидан ташқари корхона жамғарма маблағларини бир тури уларнинг жамғарма тариқасидаги қимматли қоғозлар ва заёмлар ҳам ташкил этади. Инвестиция маблағлари сифатида республика фуқароларининг давлат, тижорат банкларидаги шахсий жамғармалари ҳам инвестиция маблағлари тариқасида фойдаланилади. Банклардаги аҳоли жамғармалари тўғридан тўғри инвестиция манбалари бўлиб ҳисобланади. Хорижий давлатлар, хорижий фуқаролар маблағларини мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция маблағлари манбаи бўлиши учун бу хориж маблағлари инвестиция манбаини ташкил этиши учун улар молиявий муассасалардан ўтиши тўғридан-тўғри ёки воситачилар тўғридан тўғри эмас балки ишлаб чиқариш жараёнини миллий иқтисод тармоқ корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун харид қилиб олинган моддий ишлаб чиқариш хомашёлари, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ярим товар ва товар маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқариш учун инвестиция маблағларини ташкил этишининг бир йўналиши ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти қонунларига ва унинг иқтисодий нормативларига асосланган турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқариш ва иқтисодий бозор иқтисодиёти муносабатларига ва унинг инфратузилмаларини ва кредит тизимини ривожланишига, тижорат банкларида иқтисодий муносабатларни, инвестицион компания ва уни фондларини ривожланиб боришига боғлиқ.

Инвестиция маблағлари бир неча турларда бўлиши куйидаги 1- чизмада келтирилган:



1-чизма. Инвестиция турлари ва манбалари

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётни самарали ва барқарор ривожланишини таъминлаш жаҳон иқтисодиёти бозорида мамлакатларнинг қатнашувига, унинг даражасига ва ишлаб чиқарилган ички маҳсулот турларини олиб чиқиш даражасига ва уларнинг рақобатбардош бўлишига боғлиқ. Бу инновацион техник ва технологиялар фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш асосий масала бўлиб ҳисобланиши керак. Демак миллий иқтисодиётни самарали ва барқарор ривожлантиришда унинг асосий ҳаракатга келтирувчи инсон омилини инвестициялаштириш муҳим омил ҳисобланади. Инсонни инвестициялаштириш билгиланган мақсад асосида инвестициялаштирилиши уни маълум соҳа йўналишида унинг илмий салоҳиятини ўсиб боришига олиб келиши туфайли инсонни капиталлашуви даражаси ўсиб боради. Инсон капитали ҳам товар бўлиб ўзида олган назарий ва амалий билимларини, ижобий меҳнат қилиш қобилиятини, жисмоний, маънавий-психологик, ижтимоий маънавий сифатларини, инсонни меҳнат қилиш қобилиятини ташкил этишга йўналтириши натижасида унинг назарий ва амалий жиҳатдан тадбиркорлик фаолият қобилиятини ошира бориши асосида олиниши лозим бўлган тадбиркорлик фаолиятини ошириш асосида фойда олиш даражасини ўсиб боришига олиб келади. Инсон капитали ишлаб чиқариш жараёнида

қўлланиладиган ишлаб чиқаришнинг моддий омилларидан тубдан фарқланадиган омил ҳисобланади. Инсон капитали томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар товар-пул муносабатлари асосидагина уларнинг эгалик шакллари ўзгариши мумкин. Инсон капитали томонидан ишлаб чиқарилган товар маҳсулотларини эгаси ҳисобланади. Инсонни капиталлашув даражасини ўсиб боришига унга зарур бўлган моддий харажатларни ўзи кифоя қилмайди. Инсоннинг капиталлашуви даражасини ўсиб бориши илмий салоҳияти ўсиб боришини таъминловчи назарий ва амалий жиҳатдан инсонни капиталлашувини ўсиб боришига таъсир этувчи умумий илмий маълумотларни, ихтисослашган назарий ва амалий маълумотларни ўрганиш уни ўзлаштириш асосидагина инсон онги ва дунёвий қарашларини, касбий маҳоратларини ўсиб бориши асосида уни капиталлашув даражаси ўсиб боради. Инсон капиталини ўсиб бориши ва капиталлашуви инсонни қобилиятига боғлиқ бўлиб ундан бу қобилиятни олиб бўлмайди. Инсонни инновацион қобилиятини ривожланиши фақат унинг қобилиятини ўзи кифоя қилмайди, балки уни инновацион тарзда ривожланиши учун зарур бўлган билим олишни назарий ва амалий жиҳатдан ошириб боришга зарур бўлган шарт ва шароитларни яратиш учун инновацион инвестициялаштириш учун ажратиладиган инвестиция маблағлари даражасига боғлиқ. Инсонни капиталлашув даражаси нафақат иқтисодий омилларга балки илмий технологик жиҳатдан олинадиган назарий ва амалий билим даражаларига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳозирги бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф қонунига ва бошқа қонун ҳамда қонуниятларига асосланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва самарали олиб бориш корхона ишлаб чиқариш жараёнини комплекс ташкил этиш унинг таркибий тузилмаларни бозор талабларига асосланган ҳолда такомиллаштириб бориш инновацион тарзда ривожланиб боришини иложи боришга таъмирлаш ишларини тежамкорлигига фойда олишни ўсиб боришига асосланган ҳолда олиб бориш зарур. Ишлаб чиқариш жараёнини инвестициялаштириш асосида инновацион таразда ривожлантиришдан асосий мақсад меҳнатнинг унумдорлигини ошириш билан бир қаторда умумий ишлаб чиқариш харажати билан режалаштирилган фойда олиш оралиқ муддатини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига қисқартиришига олиб келади.

Инвестиция ва инновация категориялари иқтисодий категориялар бўлиб корхона ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажмидаги ишлаб чиқариш ташкил этиш ва уни самарадорлигини ўсиб боришини таъминлаш даражасида инвестициялаштирилади.

Инвестиция ва инновация категориялари назарий ва услубий жиҳатдан тарихий ривожланишида иқтисодчи олимлар ўртасида умумлашган ягона назарий ва амалий жиҳатдан таъриф йўқ дейиш мумкин.

Физиократлар мактабини вакили Франсуа Кэнэ² “Энциклопедия”нинг муаллифларидан бири бўлиб узининг “Давлатнинг деҳқончилигини умумий иқтисодий сиёсати” (1758 йилда) асарида ўзининг илмий тадқиқоти ягона ишлаб чиқариш кучлари деб ҳисоблаган.

² Ф.Кэнэ. Деҳқончилик иқтисодий сиёсатнинг умумий шarti. 1758 й.

В.В. Иванова³ Миллий инновацион тизмни назария ва амалияти асарида инновацион тизимни ривожлантириб бориш ва унинг инвестициявий манбаларини ўрганган. Инвестициянинг асосий манбайи ишлаб чиқариш корханаларида олинган фойдани ҳисоблайди.

Иқтисодчи А.Ю. Андрианова⁴ ва бошқалар инвестиция монографиясида инвестициялаштириш маънбаларини ўрганганлар.

В.Н. Богачёв⁵ ўзининг “Народнохозяйственная эффективность и затратный механизм” асарида самарадорликни ишлаб чиқаришда ошириш механизмлари кўрилган.

Иқтисодчи Шульц⁶ инсон капиталини иқтисодий категория кенг маънода тушнган иқтисодчи олим Шульц қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ўзгартириш тарафдори бўлган. Ойла иқтисодиётини ўрганган. Ойлавий иқтисодиётни урганган олим.

Йозеф Шумпетер⁷ америкалик иқтисодчи рақобат самарадорлик назариясини, инновация самарадорлигини, у ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш технологиялари инновацион иқтисодий ривожланишга олиб келади деб ҳисоблаган.

Шумпетер ўзининг илмий тадқиқот ишларида тадбиркорлик фаолиятига эътибор бериб у иқтисодиётни ривожлантиришда янги ишлаб чиқаришларни омилларини кўрган. У рақобат назариясини яратган ва иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи институционал, тезнологик ва инновацион ривожланишга олиб келади деб ҳисоблаган. Ишлаб чиқаришни циклик ривожланишида кредитни ишлаб чиқаришни иқтисодиётга жалб қилишда қўшимча ресурс ва янгиликни киритиш деб ҳисоблаган.

Джон Мейнард Кейнс⁸ ўзининг “Бандлик фойзи ва пулнинг умумий назарияси” асарида бозор иқтисодиётининг бошқарувида давлатнинг аралашви асосида ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш кўчларидан самарали фойдаланишни ва ишлаб чиқаришни барқарор ўсишини асослаб берган олим ҳисобланади. Молиявий муаммоларни ўрганишга қаратган молиявий ресурсларни жалб қилиш, мажбурий жамғаришни ривожлантириш тарафдори бўлган.

Иқтисодчи олим Р.Ф. Фатхулин⁹ ўзининг “Инновационный менеджмент” ўқув дарслигида инновацион менежментни моҳияти уни ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда ва ишлаб чиқариш жараёнини самарали

Н.С. Мазур¹⁰ эса инновацион иқтисодиёт, инновацион тизимларни ташкил топишини ва инновацион мулк ва унинг шаклларини ўрганган.

³ Иванова В.В. Интеллектуальное формирование экономики. Монография. М.: Сканрус. 2014.

⁴ Андрианова и др. Инвестиции 2-е издание. М. “Велби” 2007-214 г.

⁵ Богачёв В.Н. Народнохозяйственная эффективность и затратный механизм. М. Наука 2006г

⁶ Theodore W. Schultz. Marriage, Family, Human Capital, and Fertility. Экономика семьи 1947 г.

⁷ Шумпетер Й.А. История экономического анализа. М.: 2016 г.

⁸ Джон Мейнард Кейнс. Бандлик фойзи ва пулнинг умумий назарияси. Экономическая энциклопедия. М. 1999 г. стр. 971.

⁹ Фатхулин Р.Ф. Инновационный менеджмент. учебник. М. 2016 г.

¹⁰ Мазур Н.З. Инновационная экономика, инновационные системы. Инновационная собственность. Самара СНГ РАН. 2001.

Адам Смит¹¹ ишлаб чиқариш жараёнини ҳаракатга келтирувчи мақсадли мулк бўлиб, у эркин равишда амалга оширилади деб ҳисоблаган. У давлатни иқтисодни бошқарувини инкор этмаган, лекин уни чеклаш тарафдори бўлган.

Иқтисодчи В.Х. Трибулин¹² ўзининг “Инновационная инфраструктура как необходимость наукоёмкого предпринимательства” монографиясида инновацион -инфратаркибини ривожлантириш жараёнлари ўрганилган.

Иқтисодчи Н.В. Игашин¹³ - инвестиция, бу пул ҳаражатлари бўлиб ишлаб чиқариш капиталини такрор ишлаб чиқаришга уни қўллашга ва кенгайтиришга сарфланган моддий ҳаражат деб ҳисоблайди. Умумлашган ҳолатда инвестиция бу шахсий пул маблағларини инвестиция тариқасида ишлаб чиқариш жараёнини молиялаштириш ва моддий бойликни таъминлашни ифодалайди. Инвестициялаштириш ҳар қандай иқтисодда амалга ошириладиган пул ресурсларини қайта тақсимлаш унга зарурияти бўлганларга тақсимланишидан ифодаланади” деб ҳисоблайди.

И.А.Буданов¹⁴ ва бошқалар “Инновационно-инвестиционные процессы развития металлургического производства” илмий мақоласида инновацион ривожлантириш заҳираларини ўрганилган.

Е.Ю.Головчёнская¹⁵ ва бошқалари томонидан “давлатнинг инвестицион сиёсати” ва унинг ижтимоий-иқтисодий йўналиши ўрганилган.

Иқтисодчилардан Г.М. Гукасьян¹⁶ - инвестиция, бу давлат томонидан узоқ муддатга сарфланган турли ишлаб чиқаришга, яъни ички ва ташқи ишлаб чиқариш тармоқларидан мақсадли фойда олишга йўналтирилган инвестиция”, деб ҳисоблайди.

Иқтисодчи Ю.В.Перевалов¹⁷ инновация ҳолатини тор маънода ихтисослашиш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини тезкор усулда қоплаш, доимий ривожланиш зарурлиги, молиявий ҳаражатларни юқори даражада хавфлиги, янгиликларни ихтиро қилиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уларни фақат ҳужжатлар асосида тарқатиш мумкин эмаслигида ифода этади.

Иқтисодчи А.Ф. Шишкин¹⁸ фикрича пул капитали ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучини ва ходимларини харид қииб олади. Пул вазифаси фойда олиш учун тайёргарлик кўришни таъминлайди деб ҳисоблайди. Пул капитали махсус товарларни ишлаб чиқариш воситаларини, ишчи кучларини ва фойда олиш ходимлари асосида фойда олишни таъминлайди деб ҳисоблайди.

¹¹ Смит А. Экономическая энциклопедия. М. 1999 г. “Экономика”. 687 стр.

¹² Трибулин В.Х. Монография. Ижевский государственнқй технический университет. 2011 г. 240 стр.

¹³ Игашин Н.В. Инвестиция учебник. Юнити. Финансы. М:2002. с.71.

¹⁴Буданов И.А. Инновационно-инвестиционный процессқ развития металлургического производства России //Научные труды: института народно-хозяйственного прогнозирования.РАН.М. Прогресс. 2015 г..324-347 стр.

¹⁵ Головчёнская Е.Ю. И др..Государственная инвестиционная политика.Волгоград. 2010 г. 180 стр.

¹⁶ Г.М.Гукасьян. Экономическая теория. Питер 2010. 291с.

¹⁷ Перевалов Ю.Р. Инновационное предпринимательства и проблемы технического развития // Общества и экономика №55, 1997.

¹⁸ Шишкин А.Ф.Экономическая теория 2. М.: ВЛАДУС. 1991. 57 б.

Иқтисодчи Ш.Н.Зайнутдинов¹⁹ ўзининг инновацион менежмент дарслигида уни ривожлантириш зарурлиги ва моҳияти ўрганилган.

Ш.И. Отажонов²⁰ инновацион фаолият инфратузилмасини бошқарўвини ташкилий-иқтисодий механизмини самарадорлигини ошириш муаммолари билан шуғилланган.

Иқтисодчилардан Ш.Шодмонов ва М.Рахматовлар²¹ - инвестиция асосий ва айланма капитални қайташ тикланиши ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш жараёнини инвестициявий ва инновацион ривожлантиришнинг ташкилий ва иқтисодий механизмларини ривожлантиришда Р.М.Усмонова²², М.И. Сайдкосимова фикрларига ишлаб чиқариш жараёнида тадбиркор қўлидаги асосий омил бу капитал бўлиб ишлаб чиқариш жараёнида умумлашган бойлик бўлиб ишлаб чиқариш жараёнида товарлар ишлаб чиқаради ва хизматлар кўрсатади деб ҳисоблайдилар. Капитал кўп аҳамиятга эга: бу пул, ишлаб чиқариш воситалари, инсон қобилияти, капитал товарлари инвестиция ресурслари корхоналар фаолиятида доиравий ҳаракатда пул қиймати инвестицион ресурслар бўлиб у ишлаб чиқариш айланмади” деб ҳисоблайдилар.

А.Қодиров²³ иқтисодиётни турли мулкчилик эгаллигига асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва самарали олиб бориш мураккаб лекин долзарб муаммо ҳисобланади.

Инвестициявий ва инновацион тарзда корхона ишлаб чиқаришини ташкил этиш биринчидан корхона ички ишлаб чиқариш тартибини ташкил этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жиҳозлари билан таъминлаш ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни талаб даражасида ташкил этиш етарли моддий хом ашёлар билан ва малакали меҳнат ресурслари билан таъминлаш лозим.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш уни ишлаб чиқариш ташкил этиш билан боғлиқ инвестиция ресурслари билан ишлаб чиқариш ҳажми талабига жавоб берадиган даражада инвестициялаштириш зарурлигини кўрсатади.

Иқтисодчи жаҳон, МДХ ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодчи олимлари томонидан ишлаб чиқариш жараёнини инвестициялаштириш ва инновациялаштириш зарурлиги бўйича берган умумлашган хулосаларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосага келдик.

¹⁹ Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менежмент. Т.: Академия. 2006. с. 262.

²⁰ Отажонов Ш.И. Инновацион фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини самарадорлигини ошириш муаммолари. Диссертация иқтисод фанлари доктори. 2018 й.,

²¹ Ш.Шодмонов, М.Рахматов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. ZAMIN-NASHR. Т.: 2021. 509 б.

²² Усмонова Р.М., Сайдкаримова М.И. Экономическая теория. Т: 2018 г. Издательство “Fan va texnologiya” 116 с.

²³ А.Қодиров. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: 2024 й. “GRAND KONDOR PRINT” 77 б.

Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш муносабатлари асосида ишлаб чиқариш жараёнини инвестициялаштириш асосий иқтисодий категория бўлиб у ишлаб чиқариш жараёнини зарур бўлган ишлаб чиқариш учун моддий хом-ашёлар ишлаб чиқариш техника ва технологиялари билан ва уни инновацион ривожлантиришни ифода этувчи ишлаб чиқаришни инвестициялаштириш ва инновацион ривожлантириш иқтисодий категорияларини ўзаро боғлиқликда ифода этувчи иқтисодий категориялар мажмуасини ташкил этади, деб ҳисоблаш мумкин.

Миллий иқтисодиётни барқарор ва самарали ривожланиб бориши фирма ва корханалар ишлаб чиқариш жараёнида инвестициявий ва инновацион жараёнини ривожлантириш улар ўртасидаги иқтисодий нисбатларни давлатнинг миллий иқтисодиётни бошқарувининг сиёсий ва иқтисодий сиёсати талабларига мос равишда бўлиши ишлаб чиқаришни самарали бўлишни таъминлайди.

Бу иқтисодий категориялар мустақил етакчи ва етакланувчи категориялар бўлиб умумий ишлаб чиқариш жараёнини самарали ва барқарор ривожланиб боришини таъминлайди. Қуйида корхона ишлаб чиқариш жараёнини инвестицион ва инновацион ташкил этиш модели 2-чизмада таклиф қилинган.



**2-чизма. Корхона ишлаб чиқариш моделини инвестициявий ва
инновацион ташкил этиш модели.**

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мазур Н.З. Инновационная экономика, инновационные системы. Инновационная собственность. Самара СНГ. РАН. 2001.
2. Фатхуллин Р.Ф. Инновационный менеджмент. Учебник. М. 2016г.
3. Буданов И.А. Инновационно-инвестиционные процессы развития металлургического производства России//Научные труды: института народно-хозяйственного прогнозирования. РАН. М. Прогресс. 2015 г. 324-347 стр.
4. Шишкин А.Ф. Экономическая теория 2. М.: ВЛАДОС. 1991. 57 б.
5. Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. Т.: Академия. 2006. с. 262.
6. Усмонова Р.М., Сайдкаримова М.И. Экономическая теория. Т: 2018 г. Издательства “Fan va texnologiya”. 116 с.
7. Отажонов Ш.И. Инновацион фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини самарадорлигини ошириш муаммолари. Диссертация иқтисод фанлари доктори. 2018 й.